


Қуръони Карим 144-дарс. «Ат-Тафсирул-Кашиф» - Муҳаммад Жавод Мағния (биринчи мақола)



17:00 / 06.07.2021 3016

Бу тафсир шиа мазҳабидаги мўътадил замонавий тафсирнинг намунасидир. Тафсир муаллифи Муҳаммад Жавод Мағния бир неча китоблар нашр қилганидан сўнг ушбу тафсирни таълиф қилган. Тафсир осон, раво тил билан замонавий услубда ёзилган. Муаллиф ҳозирги замон ўқувчисига Ислом ва Қуръон ҳақиқатини англатишга ҳаракат қилган. Уларнинг ҳозирги замон талабларига қандай жавоб беришини ёрқин мисоллар билан кўрсатган.

Оят ёки оятлар мажмуасини келтиргандан кейин аввал луғатга оид баҳс юритган, кейин эъробни баён қилган, сўнгра умумий маънони айтган.

«Ат-Тафсирул-Кашиф» етти жилдда чоп этилган.

Қуръони карим маъноларининг таржимаси

«Қуръон» сўзининг таржимаси ва таърифи билан аввал танишиб ўтганимиз учун гапни бевосита «таржима» сўзининг маъноси ҳақида сўз юритишдан бошлаймиз.

Бу ҳақда машҳур «Сихоҳ» номли луғат китобида шундай дейилган:

«Гапини бошқа тилда баён қилган одам гапини таржима қилган бўлади», яъни таржима – бу бир гапнинг бошқа тилда баён қилинишидир».

«Ал-Мисбаҳул-Мунир» номли луғат китобида қуйидагилар келган: «Фалончи каломини таржима қилди» дегани «уни баён қилди ва равшанлаштирди» деганидир. «Бошқанинг каломини таржима қилди» дегани «Сўзловчининг тилидан бошқа тилга ўгирди» деганидир.

Таржима икки хил бўлади:

1. Ҳарфий таржима.

Бунда матн бир тилдан бошқа тилга унинг барча услубий хусусиятлари ва луғавий омиллари ила ўгирилади. Унинг ичида назмнинг аломатлари ҳам бўлади.

2. Тафсирий таржима.

Бунда матннинг умумий маъноси бир тилдан бошқа тилга ўгирилади.

Уламолар Қуръони Каримнинг таржимаси ҳақида жуда кўп тортишганлар. Улар бу масалада турли фикрларни олға сурганлар. «Қуръони Каримни таржима қилиш мутлақо мумкин эмас», дейишдан «Қуръони Каримни таржима қилиш вожибдир», дейишгача етганлар.

Аммо ҳаммалари бу борада бир овоздан айтган гап – Қуръони Каримни ҳарфий таржима қилиш мумкин эмаслигидир. Уни таржима қилса бўладими ёки йўқми, деган маънодаги тортишувлар эса тафсирий таржима, яъни Қуръони Каримнинг маънолари таржимаси ҳақидадир. Бу тортишувнинг келиб чиқшининг ўз тарихи бор.

Авваллари Ислом етган жойларнинг аҳолиси араб тилини ўрганиб, ўша тил орқали Аллоҳ таолонинг Китоби билан танишган бўлса, кейинчалик мусулмонлар заифлашиб, янги мусулмонларга араб тилини ўргатиш у ёқда

турсин, ўзлари ҳам у тилни керакли даражада ўргана олмай қолдилар.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китоби асосида тайёрланди